

Норасмий таржима

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ
ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ ЎТИШНИ ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни тартибга солиш, товарларнинг божхона расмийлаштируви шартларини умум қабул қилинган жаҳон стандартларига мувофиқлигини таъминлаш, божхона жараёнлари ва расмийчилигини соддалаштириш, шунингдек, божхона чегарасини босиб ўтаётган жисмоний шахслар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) жисмоний шахс томонидан республикага олиб кириладиган, божхона тўловларига тортилмайдиган товарларнинг чегараланган нормалари:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро аэропортлари божхона чегаралари орқали олиб ўтишда — 2 000 (икки минг) АҚШ доллари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларининг темир йўл ва дарё божхона чегаралари ўтиш пунктлари орқали олиб ўтишда — 1 000 (бир минг) АҚШ доллари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларининг автойўл (пиёда) божхона чегаралари ўтиш пунктлари орқали олиб ўтишда — 300 (уч юз) АҚШ доллари;

Олдинги таҳрирга қаранг.

халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун — бир календарь чорак мобайнида 1 000 (бир минг) АҚШ доллари;

халқаро почта жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун — 100 (юз) АҚШ доллари;

(1-банд «а» кичик бандининг бешинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПҚ-3873-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.07.2018 й., 07/18/3873/1578-сон)

б) божхона тўловларига тортилмайдиган республикага жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган товарларни айрим турлари нормалари **1-иловага** мувофиқ;

Олдинги таҳрирга қаранг.

в) божхона декларациясини тақдим этмаган ҳолда республикадан жисмоний шахслар томонидан олиб кетиладиган товарларнинг чекланган нормалари 5 000 (беш минг) АҚШ доллари;

(1-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2018 й., 06/18/5564/2137-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

г) жисмоний шахслар томонидан айрим турдаги товарларни республикадан олиб чиқиш нормалари 2-иловага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси халқаро аэропортлари орқали божхона чегарасидан кесиб ўтиш ҳолатлари бундан мустасно;

(1-банднинг «г» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПҚ-3873-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.07.2018 й., 07/18/3873/1578-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

д) мазкур банднинг «а» — «г» кичик бандларида кўрсатилган меъёрлар доирасида товарларни жисмоний шахс томонидан божхона чегарасидан олиб кирилиши ва олиб чиқирилиши мажбурий ёзма декларациясиз амалга оширилади, бундан халқаро почта ва

куръерлик жўнатмалари ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланган товарлар мустасно;

жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг қандай мақсадга мўлжалланганлигини аниқлашда товарларнинг миқдори ҳисобга олинади ва бунда товарларни олиб ўтаётган жисмоний шахс ва унинг оила аъзолари эҳтиёжларидан ортиқ миқдордаги бир турдаги товарларга, агар товарларни олиб ўтаётган шахс аксини исботлаб бермаса, тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун олиб кириладиган товарлар деб қаралади;

мазкур банднинг «а» — «г» кичик бандларида кўрсатилган меъёрлардан ошганда ҳамда жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун товарлар олиб ўтилганда, қонун ҳужжатларига биноан олиб кириладиган товарларнинг барча суммасига нисбатан божхона расмийлаштирувининг умумий қоидалари қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишган ҳолда жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали божхона тўловлари ундирилмайдиган товарлар меъёрларини ва олиб ўтиш шартларини белгилаши мумкин;

(1-банднинг «д» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПҚ-3873-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.07.2018 й., 07/18/3873/1578-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металллардан тайёрланган ўлчовли ёмбиклар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини уларнинг сертификатлари мавжуд бўлган ҳолатларда республика ҳудудидан ташқарига чекловларсиз олиб чиқиш ва товарларни қонунчиликда белгиланган нормаларининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда, йўловчи божхона декларациясини тўлдириб олиб чиқиш ҳуқуқига эга.

(1-банднинг «д» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6066-сон Фармонида асосан бешинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.09.2020 й., 06/20/6066/1317-сон)

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (М.В. Тоҳирӣ) Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х. Комилов) билан биргаликда ушбу қарорнинг тартиб-қоидаларини республика аҳолиси ва хорижий давлатлар фуқароларига ўз вақтида етказиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширишни таъминласин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур қарорнинг тартиб-қоидаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб киришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 1 июлдаги ПҚ-1118-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқ ҳолга келтирсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси Н.С. Отажонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси раиси М.В. Тоҳирӣ зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 февраль,
ПҚ-3512-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3512-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Божхона тўловларига тортилмайдиган республикага жисмоний шахслар томонидан
олиб кириладиган товарларни айрим турлари**

НОРМАЛАРИ

Т/р	Товарнинг номи	Ҳар бир жисмоний шахс томонидан олиб кириладиган товарлар нормалари
1.	Алкогол маҳсулоти, шу жумладан пиво	умумий миқдори 2 литрдан кўп бўлмаган
2.	Тамаки маҳсулотларининг барча турлари	умумий миқдори 10 қутидан кўп бўлмаган
3.	Атир ва ифор таратувчи сувлар	умумий миқдори 3 тадан кўп бўлмаган
4.	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари	умумий оғирлиги 65 граммдан кўп бўлмаган

Изоҳ. Ушбу товарлар қиймати жисмоний шахслар томонидан божхона тўловлари ундирилмайдиган товарларни олиб ўтишда мазкур қарорнинг 1-банди «а» кичик бандида белгиланган чекланган нормаларга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3512-сон қарорига
2-ИЛОВА

Жисмоний шахслар томонидан олиб кетиладиган айрим товарларнинг турлари

НОРМАЛАРИ

Т/р	Қисқача номи	Ҳар бир жисмоний шахс томонидан олиб чиқиб кетилиладиган товарлар нормалари
1.	Гуруч	умумий оғирлиги 3 кг.дан кўп бўлмаган
2.	Нон-булка маҳсулотлари	умумий оғирлиги 5 кг.дан кўп бўлмаган
3.	Гўшт ва гўшт озиқ-овқат маҳсулотлари	умумий оғирлиги 2 кг.дан кўп бўлмаган
4.	Шакар	умумий оғирлиги 2 кг.дан кўп бўлмаган
5.	Ўсимлик мойлари	умумий оғирлиги 2 кг.дан кўп бўлмаган
6.	Янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлари ҳамда қуритилган сабзавот ва мевалар	умумий оғирлиги 40 кг.дан кўп бўлмаган

Изоҳ. Ушбу товарлар қиймати жисмоний шахс томонидан олиб келишда мазкур қарорнинг 1-банди «в» кичик бандида белгиланган чекланган нормага киритилади.

*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.07.2018 й., 07/18/3873/1578-сон, 31.10.2018 й.,
06/18/5564/2137-сон, 26.11.2018 й., 06/18/5582/2220-сон; 11.01.2019 й., 06/19/5624/2471-сон;
23.09.2020 й., 06/20/6066/1317-сон)*